



MILLIY TIKLANISH

11-12 (177)

2012 йил 21 март, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



"Хуш келдинг, Наврўз!"

Халқимиз маънавиятини тиклашга, ёшларимизни ватанпарвар, халқига садоқатли комил инсонлар бўлиб улғайишида Наврўзнинг бекиёс ўрни ва роли бор. Шу боис Наврўз ота-боболаримиздан мерос қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида у янада ривожланиб бормоқда.


3-бет



"Микрокредитбанк": оила фаровонлиги — тараққиёт пойдевори

Миллий хунармандчилик халқимиз орасида ривожланиб, сайқал топиб келади. Бу сингари мураккаб ва нафис санъат, аксарият оилавий шароитда яратилади ва авлоддан-авлодга ўтади.

14-бет



Автомобиллар музейи

Италиянинг Модена шаҳрида жойлашган музей конструкцияси металл ва шишадан ишланган. Музей лойиҳаси таниқли архитектор Ян Каплицкига тегишли бўлиб, 2009 йилдаёқ яратилган эди. Энцо Феррари 22 ёшида пойга автомобилини сотиб олиш мақсадида болалиги ўтган уйни сотишга мажбур бўлади.

16-бет

ХАБАРЛАР

Долзарб мавзуга бағишланди

Миллий матбуот марказида Давлат статистика кўмитаси ташаббуси билан тизимда амалга оширилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда асосий мавзу: тизимда оммавий ахборот воситалари ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбир чоғида соҳада тезкорлик ва аниқлиқни таъминлаш, фойдаланувчилар учун янада қулайлик яратиш мақсадида статистика кўмитасининг расмий веб-сайти орқали интерактив хизматлар йўлга қўйилгани таъкидлаб ўтилди.

"Асрлар садоси"

Қорақалпоғистонда

Жорий йилнинг 5-6 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ўтказилди.

Фонд Форум ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилаётган фестивалда халқаро ташкилот, дипломатик корпус вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, мутахассислар, тадқиқотчилар, ёшлар ва хорижий меҳмонлардан иборат 50 минг киши иштирок этиши кутилмоқда. Анъанага кўра, фольклор жамоалари танлови, миллий либослар фестивали, анъанавий халқ ўйинлари, ошпазлар танлови фестивал дастуридан ўрин олган. Фестивалда, шунингдек, амалий санъат кўرғазма-ярмаркаси ўтказилди. Унда кулолчилик, қандакорлик, каштадўзлик, миниатюра, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги усталари ўз маҳсулотларини намойиш этидилар.

Кулолчилик кўрғазмаси

Ўзбекистон Амалий санъат музейида "Риштон кулолчилик безакларида Наврўз жилоси" номли кўрғазма очилди.

Мазкур кўрғазмада Риштон кулолларининг турли даврларда яратган ишлари намойиш этилган. Улар орасида Риштон кулолчилик мактабига хос хилма-хил кўринишга эга гулдон, лаган, шокоса, чорқулок, тоғора ва кумғонлар ҳам бор. Кўрғазмага лойдан ясалган хуштакли ўйинчоқлар ҳам қўйилган. Бундай сопол ўйинчоқлар бирор бир жонзот шаклида ясалди. Уларга безак беришда эса азал-азалдан табиий бўёқлардан фойдаланилган.

АЙЁМ



Миллат руҳи ва фалсафаси

Наврўз!.. Битикларда эътироф этилишича унинг илдизлари мозийнинг энг чуқур қатларидан бошланади. Бугун биз биламизки, аجدодларимиз Наврўзни ҳатто эрамиздан олдинги учинчи-тўртинчи минг йилликларда ҳам нишонлашган. Айниқса, бизнинг ўлкамизда Наврўз инсоният пайдо бўлгандан бери байрам қилинади, десак, ҳеч муболага бўлмайди. Юртбошимиз эътироф этганларидек, Наврўз — бу инсон ва табиат уйғунлиги ҳосиласи. Инсон тафаккурининг табиат ҳодисаларини ўрганиши ва кашф этишининг маҳсули. Инсониятнинг табиатга муносабати, уни ўрганиш одамзот пайдо бўлгандан бошланган. Демакки, инсон пайдо бўлибдики, Наврўз нишонланади.

2-бет

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

"Хуш келдинг, Наврўз!"

АНА ШУНДАЙ НОМ БИЛАН ПАРТИЯМИЗ ТЕЛЕМАРАФОН ТАШКИЛ ЭТДИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида халқимизнинг қадимий маданияти, анъана ва урф-одатларини намойиш этган Наврўз байрами кенг нишонланмоқда. Наврўз янгилини ва яшариш айёми сифатида кексаю ёш, йигит-қиз қалбидан чуқур жой олган. Юртимизда байрам шодиёналари кезиб юрган шу кунларда ўтказилаётган тадбир, учрашув ва фестиваллар ҳар бир ватандошимиз қалбида гурур ва фахрланиш каби эзгу туйғуларни уйғотмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телеканали ҳамкорлигида "Хуш келдинг, Наврўз!" шиори остида телемарафон ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва фракцияси аъзолари,



Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва вилоятининг туман, шаҳар Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, хунарманд-

лар, эл суйган санъаткорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

3-бет

ФОРУМ

Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги

ЎзМТДП ЁШЛАРИНИНГ ШИОРИГА АЙЛАНГАН

ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши ва "Ёшлар қаноти" томонидан "Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги" шиори остида ёшлар форуми ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП вилоят Кенгаши ва Ижроия Кўмитаси аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Форум иштирокчилари дастлаб, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари "Хунарманд" уюшмаси Навоий вилоят бошқармаси ҳамда миллий маданият марказлар томонидан таш-

кил этилган миллий хунармандчилик, халқ амалий санъати кўрғазмаларини кўздан кечирдилар. Шундан сўнг тадбирни очган ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Й.Жўлиев мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ёш авлодга берилаётган эътибор ва кўрсатилётган ғамхўрлик уларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб воёга етишига қаратилганлигини алоҳида таъкидлади.

— Бугунги кунда ёшларимиз учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд. Муҳтарам Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидан ёшларга бўлган эътиборни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Мамлакатимизда фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда.

2-бет

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш юзасидан изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамоатчилик назорати

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Хусусан, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбага чиқариш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, энг муҳими, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда таъсирчан восита сифатида шаклланиб бормоқда.

3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



● ФОРУМ

Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги

ЎзМТДП ЁШЛАРИНИНГ ШИОРИГА АЙЛАНГАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Буни замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган ёшлар, уларнинг ҳар жабҳада эришаётган ютуқлари ва орзу-интилишларида яққол кўришимиз мумкин.

ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ёшлар орасида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий кадрларнинг қанотига айланган тарғиб қилиш, йигит-қизларда мамлакатимизда амалга ошириладиган барча соҳалардаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришдан иборатдир. Мана шу мақсад, эзгу маслак йўлида фаолият юритаётган партия «Ёшлар қаноти» партия сафидаги ёшларнинг ҳақиқий қанотига айланди. Айни пайтда ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» ҳузурда ўз сафига 40 дан зиёд аъзони бирлаштирган «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби фаолият юритмоқда. Улар ҳудуддаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ЕИХ вилоят бўлими ва бошқа бир қатор жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни турли хил тўғрақлар, клубларга жалб қилишга йўналтирилган ноанъана-

вий усулдаги тадбирларни ташкил этишмоқда.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан ёшларни халқимизнинг миллий кадрият, урф-одат ва анъаналарини эъозлаш, шунингдек, уларни дини ва тилидан қатъий назар барча миллат ва элатларнинг урф-одат ва анъаналарига хурмат билан қараш руҳида тарбиялашга қаратилган «ЎзМТДП фаолиятини янада ривожлантиришда «Ёшлар қаноти»нинг ўрни ва роли», «Тинчлик — олий саодат», «Миллий кадриятлар улугдори билан кутлаб, юртимизда амалга ошириладиган барча соҳалардаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришдан иборатдир. Мана шу мақсад, эзгу маслак йўлида фаолият юритаётган партия «Ёшлар қаноти» партия сафидаги ёшларнинг ҳақиқий қанотига айланди. Айни пайтда ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» ҳузурда ўз сафига 40 дан зиёд аъзони бирлаштирган «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби фаолият юритмоқда. Улар ҳудуддаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ЕИХ вилоят бўлими ва бошқа бир қатор жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни турли хил тўғрақлар, клубларга жалб қилишга йўналтирилган ноанъана-

байрами, баҳор фаслининг энг гузал, тароватли айёми, янгиликлар, яшариш, покларниш айёми билан муборакбод этаман. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги шиддатли давр сизлардан ҳар соҳада янада шижоатли ва ташаббускор бўлишни талаб этади. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган асрда яшашимиз. Шундай экан, сиз ёшлар ҳам, албатта, шунга ҳамоҳанг тарзда Ватан тараққиёти ва юрт равнақи учун астойдил, сидқидилдан ҳаракат қилмоғингиз лозим.

Тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси О.Оқилов маъруза қилди. Нотик Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида тақдим этган Концепциясининг ҳар бир йўналишига батафсил тўхталиб, мазкур маърузага мувофиқ Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Форум доирасида ўз иқтидори билан кўпчилик тенгдошларига ибрат бўлаётган «Энг-иқтидорли ёш журналистлар» 2010-вилоят кўриқ ташкили Гран-При ва «Ўзбекистон белгиси» кўкрак ни-

шони соҳиби, «Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» газеталари тахририяти муҳбири Руслан Сабуров, «Эркин кураш бўйича спорт устаси, 2012 йил «Самбо» кураши бўйича Ўзбекистон чемпиони, «Ўзбекистон белгиси» ва «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони совриндори Мафтуна Эсанова, Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳибидир. Мана шундай мақсад билан ўз сиёсий фаоллигини янада оширишга ҳаракат қиламан.

Дилнавоз КАМОЛОВА, «Меҳр нури» жамғармасининг «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар Дастури» ғолиби: — Форум доирасида ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» ушбу тадбирга жуда катта тайёргарлик кўрганлигига гувоҳ бўлдим. Айниқса, миллий маданий марказлар иштирокидаги чиқишлар бизда катта таассурот қолдирди. Ҳаётимдаги яна бир қувончли воқеа — мен бугун партия сафига қабул қилиндим. Бундан буён ЎзМТДП мақсад ва ғояларини тенгдошларимиз орасида тарғиб қилиш, миллий кадрият ва анъаналаримизни улуглашга имкон қадар ўз ҳиссамни қўшаман.

Ўралой ТУРДИЕВА, «Milly tiklanish» мухбири

партиямиз мақсад ва ғоялари билан муштарак ҳолда фаолият юритиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ватанимиз эртаси бўлган биз ёшларга жуда катта ишонч билдирмоқдалар. Зеро, биз ёшлар ҳам бу юксак ишончга муносиб бўлиш учун доимо ҳаракатдамиз.

Беҳзод ТОЛИБОВ, Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳибидир:

— Бугун мен ЎзМТДП аъзоллигига қабул қилиндим ва энди ўз олдимга улкан мақсадлар қўйиб, қатор ютуқларни қўлга киритишга интиламан. Ташаббускор ғояларим билан партиямиз фаолиятига оз бўлса-да ҳисса қўшсам менга билдирилган ишонччи оқлаган бўлардим. Зеро, партиямизнинг ривожини бу — давлатимиз тараққиётининг мезонидир. Мана шундай мақсад билан ўз сиёсий фаоллигини янада оширишга ҳаракат қиламан.

Дилнавоз КАМОЛОВА, «Меҳр нури» жамғармасининг «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар Дастури» ғолиби:

— Форум доирасида ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» ушбу тадбирга жуда катта тайёргарлик кўрганлигига гувоҳ бўлдим. Айниқса, миллий маданий марказлар иштирокидаги чиқишлар бизда катта таассурот қолдирди. Ҳаётимдаги яна бир қувончли воқеа — мен бугун партия сафига қабул қилиндим. Бундан буён ЎзМТДП мақсад ва ғояларини тенгдошларимиз орасида тарғиб қилиш, миллий кадрият ва анъаналаримизни улуглашга имкон қадар ўз ҳиссамни қўшаман.

● АЙЁМ

Миллат руҳи ва фалсафаси



(Давоми. Боши 1-бетда)

Наврўзни юртимиз табиати яратган. Аждодларимиз табиатнинг ана шу ноёб ҳодисасини кашф этишган ва уни Наврўз — янги кун, деб аташган. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини таъкидлаганидек: «Барчамиз доимо орзиқиб кутаётган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда».

Дарҳақиқат, Наврўз юртимизда асрлар оша байрам қилинади. У дилларга хушнудлик, хузурбахшлик олиб келади, эртанги кунга ишонч ва умид уйғотади. Табиат ва инсон уйғунлигининг ажойиб рам-

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч асари»-да таъкидлаганидек: «Янгиликлар ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топанганини яна бир тасдиқлайди».

Наврўзни миллат руҳи ва фалсафасининг чинакам ифодаси, деб аташ мумкин. Халқ байрами кезларида ўртадаги гина-гудратлар кўтарилади. Одамлар сайлгоҳларга чиқишди, байрам тоғларини бир дастурхон атрофида тановул қилишди. Наврўз арафасида хашарлар уюштирилади, ариқ-зовурлар қовланади, кўча-кўйлар тоза, озода, саранжом-сарийша қилинади, ободончилик ишлари амалга оширилади. Етим-есирлар, дардмандлар, қариялар ҳолидан хабар олинади. Наврўз инсон ва табиатни улуглайдиган, шарафлайдиган байрамга айланади. Шу кунлари халқ ўйинлари — кураш, улоқ-қўлпарни ташкил этилади. Машшоқлар ўз санъатини намоиш қилади, қизлар сумалак атрофида ўйнай, ўзаро лапар ва баҳру байт айтади. Наврўз чинакам халқона тус олади, миллий кадрият даражасига кўтарилади.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, Наврўз инсон ҳалқида эзгулик уйғотади-

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, Наврўз инсон қалбида эзгулик уйғотадиган, умид, ишонч ва шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, эрқаку аёл, ёшу қари — барча юртошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган сеvimли байрамига айлиниб улгурди.

зи у... Айниқса, бугунги оксоқоллар яхши эслайдилар: собиқ тузум даврида минг йиллар оша ривожланиб, сайқалланган келадиган, миллатидан, элатидан қатъий назар барча эзу юртни бирлаштириб, муштарак мақсадлар томон йўналтирилган, инсон ва табиат уйғунлиги ифодаси бўлган Наврўзга ҳам тош отилди. Наврўзни байрам қилиш таъкидлаб қўйилди. Эскилик саркити деб, эълон қилинган. Бу — халқни ўзлигиндан жудо қилиш, тарихини сохталаштириш, миллий кадриятларини топташдан ўзга нарса эмас эди.

Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ҳали собиқ тузум парчаланмасдан, ҳали чинакам мустақилликка эришмасдан, аниқроқ айтганда 1990 йилдаёқ «Наврўз халқ байрамини ўтказиш ақунлари тўғрисида» Фармон қабул қилиниб, юртимизда 21 март умумхалқ Наврўз байрами ва дам олиш кунидеб эълон қилинади. Бу ўша давр шарт-шароити ва ўлчовлари билан таққослаганда чинакам маънавий жасорат эди.

Фармонда Наврўз байрамининг халқ анъаналари билан уйғунлиги, ер ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини қадрлаш, яхши кўшничлик, меҳр-мурувват ва саховат каби фазилатлари, инсоний ва байналмилал моҳияти очиб берилган эди.

Урал ХАЙТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

● БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Партиянинг етакчи бўғини

иборат 26 нафар аъзони бирлаштирган «Умидли Келажак» МЧЖда ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ўзининг фаоллиги билан ажралиб туради. БПТ ўз биносига эга бўлиб, хоналар замонавий мебель, стол-стул, компьютер технологиялари билан жиҳозланган.

— Бошланғич партия ташкилоти партиянинг туман ҳамда вилоят Кенгаши ташаббуси ва бевосита ёрдами билан мавжуд қулайликлар билан таъминланган, - дейди, БПТ раҳбари Шавкат Худойбердиев. — Биз ҳам яратиб берилган имкониятлардан умумли фойдаланиб, сафимизни сиёсий жиҳатдан етуқ, билимли кадрлар билан тўлдириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Дарҳақиқат, тузилманинг партия мақсад ва вазифалари, сиёсий соҳадаги фаолияти, депутатлар томонидан кўрсатилаётган ташаббусларни кенг жамоатчиликка етказиб беришда жонбозлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар натижасида БПТ сафи кенгайиб, партия фаоллари сони ортиб бормоқда. Хусусан, ўтган даврда қуйи бўғин томонидан ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар билан партия електорати манфаатларини таъминлаш мақсадида «Сиёсий жараёнларда ёшларнинг ўрни ва роли», «Мақсади-миз — эл тинчлиги, халқ

фаровонлиги» каби мавзуларда қатор тадбирлар ташкил этилди.

Айтиш жоизки, партия електорати манфаатларини таъминлашда маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ўрни ва роли катта. Шу нуқтаи назардан бошланғич партия ташкилоти мунтазам равишда туман Кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 25-Мажнунтол сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгаши депутати Ҳабибулло Иномов томонидан кўрсатилаётган

Айтиш жоизки, партия електорати манфаатларини таъминлашда маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ўрни ва роли катта. Шу нуқтаи назардан бошланғич партия ташкилоти мунтазам равишда туман Кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 25-Мажнунтол сайлов округидан халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгаши депутати Ҳабибулло Иномов томонидан кўрсатилаётган ташаббуслар фикримизни тасдиқлайди.

ташаббуслар фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида депутат томонидан БПТ билан ҳамкорликда Шаханд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи битирувчиларини иш таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинди.

Ёшлар — эртамиз эгалари. Шу боис ҳам уларни баркамол этиб тарбиялаш

ҳар биримизга дахлдор вазифа. Зеро, бизнинг эртанги сифимизни ана шу ёшлар эгаллайди. БПТ томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам самарали ишлар йўлга қўйилган. Айниқса, бу борада бир қатор тадбирлар, учрашувлар, маънавий-маърифий йиғинлар ташкил этилмоқда. Жумладан, «Ёш ҳуқуқшунослар», «Баркамол авлод — бардавом авлод», деб номланган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, тумандаги таълим муассасалари,

ҳар биримизга дахлдор вазифа. Зеро, бизнинг эртанги сифимизни ана шу ёшлар эгаллайди. БПТ томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам самарали ишлар йўлга қўйилган. Айниқса, бу борада бир қатор тадбирлар, учрашувлар, маънавий-маърифий йиғинлар ташкил этилмоқда. Жумладан, «Ёш ҳуқуқшунослар», «Баркамол авлод — бардавом авлод», деб номланган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, тумандаги таълим муассасалари,

Албатта, амалга оширилган ҳар бир эзгу иш, самарали фаолият ўз натижасини бермай қолмайди. Тилга олганимиз «Умидли Келажак» МЧЖ қошида ташкил топган бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан эълон қилинган «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танлови бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Дарҳақиқат, бугун қай бир сиёсий партия давлат, жамият олдида ўзини кўрсатишга, янги қонун лойиҳалари, ташаббуслар билан чиқишга ҳаракат қилса, сиёсий жараёнларда фаол-

лик кўрсатса, ушбу партиянинг електорати кенгайиб, аъзолар сони ортиб бораверади. Бу борада эса, юқорида таъкидлаганимиз каби партиянинг қуйи тизими ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар қўлами алоҳида аҳамиятга эга.

Баҳодир МҰМИНОВ, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби

Бугун юртимизда кечайтган ислохотлар жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг мавқеи ўз электорати манфаатини таъминлаш ва аъзолар билан ишлаш йўналишида олиб бораётган сабъ-ҳаракати билан белгиланади. Бу борада, айниқса, партиянинг қуйи тузилмалари ҳисобланган вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларининг аҳамияти беқиёс.

Бошланғич ташкилотлар партиянинг бош таянчи, деган ибора бор. Бу оддий ҳақиқат бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришни, уларнинг омма орасидаги нуфузини кучайтиришни тақозо этади. Негаки, улар ўз номи, кучи ва салоҳияти жиҳатдан ана шундай мақома эга. Зеро, қуйи бўғинлар сафи жамоатчиликка энг яқин бўлган маҳалла, қишлоқ, корхона каби турли жамоаларда шаклланади. Бу эса партия дастури ва мақсадлари чекка-чекка ҳудудларга кириб бориши, аҳолининг барча қатламларини қамраб олинишига хизмат қилади. Бугунги кунда ўзининг фаолияти, аъзолари сони билан кўпчилик ҳудудий партия ташкилотларига ўрнатилган ЎзМТДП Тўрақўрғон туманидаги бошланғич партия ташкилотлари ҳақида фикр юритсак. Айни пайтда мазкур ҳудудда ЎзМТДПнинг 12 та қуйи бўғини тузилган бўлиб, улар ўз сафига 453 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Таъкидлаш жоизки, хусусий тадбиркорлардан

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



"Хуш келдинг, Наврўз!"

АНА ШУНДАЙ НОМ БИЛАН ПАРТИЯМИЗ ТЕЛЕМАРАФОН ТАШКИЛ ЭТДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда сўзга чиққан партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Турсунов иштирокчиларни Наврўз умумхалқ байрами билан табриклаб, истиқлол йилларида мухтарам Президентимиз раҳнамолигида миллий кадрият ва аъёнларимизни тиклаш ҳамда янада ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляётганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Юртбошимиз Ислам

лик руҳида тарбиялаш ҳамда кўп асрлик кадрият ва урф-одатларимизни келажақ авлодларга бекам уст етказишга кўмаклашишни мақсад қилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Телемарафон доирасида миллий хунармандчилик кўрғазмаси, болажонлар учун варрак учирини сайли, халқимизнинг сеvimли санъаткорлари, фольклор этнографик дасталарининг чиқишлари ҳамда Ўзбек миллий таомлари кўрик-танловлари барчага хурсандчилик улашди.

Маълумки, ўзбек тўйлари, байрам ва сайллари алпкомат полвонлари, курашчию йигитлик ори учун от минган чавандозлар иштирокисиз ўтишини тасаввур қилиш қийин. Шу боис байрам тантанасида "Ўзбек жанг санъати" спорт усталарининг чиқишлари иштирокчилар олқишига сазовор бўлди.

— Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг азалий кадрият, урф-одат ва аъёнларини асраб-авайлаш, ривожлантириш ҳамда келгуси авлодга етказиш ЎЗМТДП дастурий мақсади ва сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгиланган, — дейди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Л.Қосимова. — Мазкур телемарафон ҳам партия олдида қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда кадриятларимизни тараннум этувчи Наврўз ишлар орасида тарғиб қилиш, янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шавкат ЮСУПОВ, хунарманд:

— Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Кадриятларимиз давомчиларига яратилаяётган, шарт-шароит ва алоҳида эътибор натижасида ишлаб чиқарган махсулотларимизни турли кўрғазма, шодиёна ва халқимиз орасида тарғиб қилиш имкониятига эга бўляемиз. Ўзим ёғоч ўймакорлигининг исломий йўналишида фаолият юритаман. Мазкур телемарафонда 40 дан ортиқ махсулотимиз билан иштирок этаямиз. Панов, лаган, саккиз бурчакли миллий йўналишдаги столлар шулар жумласидандир. Келгуси байрамларда ҳам янгидан янги махсулотларимиз билан фаол иштирок этамиз.

Бахтиёр ПўЛатов, оилавий тадбиркор, хунарманд:

— Наврўз — янги кун, янги фаслнинг бошланиши. Барчанинг юзида табассум, кўзла-

рида шодлик уфуриб турибди. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий хунармандчиликни ривожлантириш юзасидан изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. ЎЗМТДП томонидан ташкил этиляётган турли лойиҳа, тадбир, давра суҳбати, кўрик-танлов ва телемарафонлар биз каби хунармандларга ўз махсулотларини аҳоли орасида тарғиб қилиш билан бирга соҳага ёшларни жалб қилиш ва улар қизиқишини янада ортишига сабаб бўлиши шубҳасиз. Мазкур телемарафон ҳам кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида партияга хайрихоҳлар сафининг кенгайишига ҳам хизмат қилади.

Ҳакима НАЗАРОВА, ЎЗМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Наврўз умумхалқ байрами юртимизда истиқомат қилаётган барча элат ва миллат вакиллари билан миллий кадрият ва урф-одатларини хурмат қилиш ҳамда умуминсоний туйғуларни бирлаштиришга хизмат қилади. Бугунги телемарафонда биз ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партияимиз, асосан, қозоқ миллияти вакиллари билан ташкил топган. Улар репертуаридан асрий кадрият ва аъёнларни муҳасамлаштирган куй-қўшиқлар ўрин олган. Мазкур телемарафон халқларимиз орасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Гулноза Шаропова, Дурҳақиқат маҳалла турти мукофоти совриндори, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Тадбир партияимиз Дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, миллий кадрият, аъёна ва урф-одатларимизга хурмат туйғусини шакллантириш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ҳамда ёш авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур телемарафон таъсири ва самарасини ёшларнинг юз-кўзи, ҳар бир хатти-ҳаракатидан сезиш мумкин. ЎЗМТДП томонидан мана шундай тадбирларнинг ўтказилиши партияимиз сафида иқтидорли, ташаббускор йигит-қизларни янада кўпайтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Эргаш ХўЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

қаратилган бир қатор йирик лойиҳалар илгари сурилган. Хусусан, партиянинг дастурий мақсад-вазифалари ҳам ўзининг ижтимоий руҳи билан алоҳида ажралиб туради. Шундай экан, сайловчи манфаатлари депутат учун доимо бирламчи аҳамият касб этади. Шу боис, одамларнинг қувонч-ташвишлари билан яшаш, доимо халқ орасида бўлиш ва энг муҳими партия электорати манфаатларини ҳокимиятнинг вакиллик органларида ифода этиш ва ҳимоя қилишни ХДПдан сайланган туман кенгаши депутатлари унутмасликлари лозим.

Халқ депутатлари Олот туман Кенгашида ҳар тўртта партия ўз депутатлик гуруҳини тузишга муваффақ бўлди. Бун-

ри ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда депутатлик гуруҳлари муҳим ўрин тутди. Таҳлиллар мазкур тумандаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи фаолиятида ҳам камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Хусусан, партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда партияимиздан сайланган айрим депутатларимиз партия ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритишда сусткашликка йўл қўйишмоқда.

Мухтасар айтганда, барча депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқишлари — бугунги кун талаблари асосида жиддий ислохот этишлари давр талабидир. Зеро,

Мухтасар айтганда, барча депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқишлари — бугунги кун талаблари асосида жиддий ислохот этишлари давр талабидир. Зеро, сайловчилар партиялар фаолиятига уларни қандай мақсадларни кўзлаётганига эмас, амалий ишлари натижасига қараб баҳо берадилар. Ана шу оддий ҳақиқатни сира унутмаслик лозим.

дан мазкур партиялар сайлов жараёнида сайловчиларни ўз дастур ва ғояларига ишонтира олишган, деган хулосага келиш мумкин. Лекин сиёсий партиялар ваъда ижроси билан деган ақидани бир зум бўлсин унутмасликлари керак.

Партия дастурий мақсадла-

сайловчилар партиялар фаолиятига уларни қандай мақсадларни кўзлаётганига эмас, амалий ишлари натижасига қараб баҳо берадилар. Ана шу оддий ҳақиқатни сира унутмаслик лозим.

Маннон ОТАБОЙ, "Milliy tiklanish" мухбири

● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Жамоатчилик назорати

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқаролик жамияти тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ноёб институти, яъни илдизлари халқ аъёнларига уйғун ва тарихан тарқиб топган жамоа муносабатлари — маҳаллага бориб тақаладиган механизм тузилди. Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи янада юксалди. Маҳалланинг бугунги асосий вазифалари айнан маҳаллаларда асрлар мобайнида шаклланган миллий кадрият, урф-одат ва аъёнларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Дурҳақиқат, маҳалла юртимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Давлатчилигимиз тарихида "Маҳалла" тушунчасининг Конститутцияимизга киритилиши унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Чунки, ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолияти орқали фуқароларнинг давлат бошқарувида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин фуқаролар йиғини илгари маҳаллий давлат ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари ҳисобланган 30 дан ортиқ ваколатли бажараётганнинг ўзи ҳам уларнинг жамиятда тугган ўрни нечоғлик аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради. Ушбу институт мисолида биз мамлакатни демократлаштириш йўлида амалга ошириляётган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг босқичма-босқич ҳаёtgа татбиқ этиляётганини яққол кузатишимиз мумкин.

Бугун маҳалларда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан бир қаторда, давлат ва жамият ҳаётига дахлдор вазифаларини ижтимоий шериклик асосида изчил бажармоқда. Аҳоли пунктларини ободонлаштириш, уларнинг санитар ҳолатини назорат қилиш, тўйлар ва бошқа маросимлар ўтказишда бош-қош бўлиш, керакли тавсиялар бериш, кам таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби юмушларни бажариш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдидаги муҳим вазифалар сирасига киради. Юртимизда ижтимоий шерикликни қарор топтиришда Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" асосида ишлаб чиқилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки давлат билан фуқаролик

жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бугунги кун талаб ва эҳтиёждир.

Концепцияда, шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш бўйича бир қанча тақлифлар берилиб, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, жамоатчилик назоратини олиб бориш борасидаги вазифаларни кўламини кенгайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Бу эса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва бошқа қонуналари риоя қилиши бўйича жамоатчилик назорати мониторингини олиб бориш имконини ҳам яратди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, биринчи гада, маҳалла институтининг жойлардаги муайян ижтимоий масалаларини ҳал этишдаги ролини янада кучайтиришга кўмаклашиш ЎЗМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, ҳудудимиздаги "Баҳор", "Ёшлик", "Дўстлик" аҳоли пунктларида сайловчилар билан учрашиб, маҳаллалардаги муаммо ва камчиликларни атрофлича ўргани бориш жараёнида бажаришимиз лозим бўлган вазифаларни белгилаб олаяемиз. Хусусан, яқинда ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" ва туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда "Хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрни" мавзусида катта тадбир ўтказдик. Унга ёшлар вакиллари, ота-оналар билан бирга маҳалладаги аёлларни ҳам тақлиф этдик. Мақсад, жамият ҳаётида, ривожда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва маҳалла билан ҳамкорликни кучайтиришдир. Бундан ташқари ёшларни касб-хунарга йўналтиришда "устоз-шогирд" аъёнаси асосида кўпроқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини уста хунармандларга бириктиришга масалан, маҳалламиздаги темирчи уста Баҳодир Набиев икки нафар ёшга темирчилик сир-асорларини ўргатмоқда. Ҳозирда улар турли буюмлар, эшик ва тўсиқлар ясашни ўзлаштириб олишди. Уларнинг оила бюджетига баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшаётгани қувонарли ҳол, албатта. Фуқаролар йиғини ҳудудда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, корхона ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларга касаначиликни йўлга қўйиш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишимизни тақозо этади. Ҳозирда маҳалларимиздан 10 нафар аёл иш билан таъминланиб, тикувчилик, элита пардалар тикиш, гўзаллик салони ва сервис хизмати кўрсатиш шаҳобчаларида фаолият юритмоқдалар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади. Бу ҳар биримизнинг мазкур жараёнда фаол иштирок этишимизни тақозо этади.

Барно ИСЛОМОВА, ЎЗМТДПдан сайланган Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати

● ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мамлакатимиз сиёсий ҳаётида туб бурилиш ясади. Сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ношароит ташкилотларининг жамиятдаги ўрни янада ошди. Айниқса, бу жараён халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлардан фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади. Модомики, шундай экан, сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бераётими? Жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўзи мансуб бўлган сиёсий партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни қай даражада бажаряпти?

Депутатлик гуруҳлари

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛОТ ТУМАН КЕНГАШИДА ҚАНДАЙ ЎРИН ТУТМОҚДА?

Халқ депутатлари Олот туман Кенгашидаги 26 нафар депутатнинг 11 нафари ЎЗХДП, 9 нафари ЎзЛиДеП, 3 нафари ЎЗМТДП ва яна 3 нафари "Адоллат" СДПдан сайланган.

Халқ депутатлари Олот туман Кенгашининг еттинчи сессиясида 4 та масала кўрилган.

Сессия кун тартибидаги масалалардан иккитаси ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ижросига қаратилганлиги диққатга сазовордир. Лекин асосан тадбиркор ва ишбилармон-

лардан иборат бўлган қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш ваъда қилаётган ЎзЛиДеПчилар сессияда тақлиф ёки ташаббус кўрсатишмаган. ЎЗХДПнинг ўн бир нафардан иборат депутатлик гуруҳи ҳам партия ижтимоий қатлами манфаатларига қаратилган масалаларни сессия кун тартибига киритишда етарли даражада ташаббус кўрсатмапти. Юқоридаги рақамдан кўриниб турибдики, мазкур партия нисбатан энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож

қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор давлат Дастурлари қабул қилинган. Уларнинг ижросини таъминлашни депутатлик назорати талаб-истакларига мос равишда ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ушбу партиядан сайланган депутатларнинг ўз электорати талаб-истакларига мос равишда фаолият олиб боришда оқсоқликка йўл қўяётганлиги афсусланарлидир. Зеро, ушбу партиянинг сайловолди дастурида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларига



“АГРОБАНК”
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ

ўз акциядорларини, мижозларини
ва барча юртдошларимизни

Наврўз

айёми билан самимий кутлайди!

**НАВРЎЗ Сизга БАХТ
ва ОМАД келтирсин!**

НУКУС АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ



Энг қадимий ва ҳамisha навқирон,
ўзимизнинг миллий байрамимиз

Наврўзи олам

билан барча ўзбекистонликларни
чип қалбдан муборакбод этади.

ПАРВОЗИМИЗ ДОИМО БЕХАТАР ВА ХАЙРЛИ БЎЛСИН!

Қалбимизни баҳорий янгилик,
шод-хуррамлик тарв этмасин!

НАВРЎЗ МУБОРАК!

РЕКЛАМА

● **ФАОЛИЯТ**

Хунармандчилик ва туризм

**НУРОТА ТУМАНИДА УШБУ СОҲАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ЎЗМТДП ХУДУДИЙ
ТАШКИЛОТИ КЎМАК БЕРМОҚДА**

Маълумки, мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 30 мартда “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармон берган имкониятлардан фойдаланиб, туманда “Хунарманд” уюшмаси ташкил топди ҳамда 120 нафардан зиёд хунарманд аниқланиб, уларнинг 86 нафари уюшма атрофида бирикди.

Каштачилик, тош ўймакорлиги, кулчилик, ёғоч ўймакорлиги, гилам тўқиш каби хунарлар билан шуғулланадиган бу фидокорларимиздан 41 нафари бугунги кунда кредит олишга муваффақ бўлишди. 2011 йилда кредит олган хунармандлардан 12 нафарини коллеж битирувчилари ташкил қилди. Туманимизнинг каштачилик ва кулчилик бўйича 5 нафар хунарманди ўтган йилда Тошкент шаҳридаги “ЎзЭкспомарказ” кўргазмалар биносига бўлиб ўтган “Ўзбектуризм” туристик ярмаркасида иштирок этиб келган бўлса, каштачилик бўйича Рухсора Тўрақулова “Ташаббус-2011” кўриктанловининг вилоят босқичида голиб бўлиб, республика босқичида 3-ўринни эгаллади.

Яна бир гап. Туманимиз азал-азалдан сайёҳ ва зиёратчилар нигоҳидаги ҳудудлардан биридир. Шу боис, халқаро ва ички туризмни ривожлантириш доимий диққат-марказимизда турган муҳим масалалардан саналади. Сирасини айтганда, туризм инфратузилмаларини янада кенгайтириш бўйича туманимизнинг 2011-2013 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида вилоят ҳокими қарори қабул қилинган бўлиб, биз ҳам шу асосида тегишли чора-тадбирларни белгилаб, режа-дастурларни ишлаб чиқдик. Унга кўра, ҳудуддаги қадимий ёдгорликлар, музейлар фаолиятини, туризм объектлари ва туризм хизматини яхшилаш барибарида янги дам олиш масканлари-

ни яратиш, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаш, мазкур ишларга хорижий инвестицияларни жалб қилишга каби тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратиш кўзда тутилган. Мазкур мақсадда ўтган йилда Сентоб қишлоғида фаолият юритаётган “Сентоб Шахи Мустафо” хусусий корхонаси томонидан 20 кишилик турист ва саёҳатчилар учун жой, яъни меҳмонхона тайёрланди. Туманда ҳудди шу соҳани ривожлантириш мақсадида “Чашма” комплексига ўтган йилларда амалга оширилган ишлардан газетхон яхши хабардор. Мазкур ҳудудда янги боғ ташкил этиш учун ҳам амалий ҳаракатлар давом этмоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, ушбу ҳудудда ишлаб турган “Равшан-Мирзохид” хусусий фирмасига қарашли 52 кишига мўлжалланган “Жавохир” меҳмонхонаси фаолиятини янада ривожлантириш учун “Амирхон-Шоҳрухон” хусусий корхонаси ва Моҳира Фафорова, Шодмонгул Жиянова, Гулшод Хидиров, Хусенжон Ниязов каби яқка тадбиркорларнинг ҳам талабларини ҳисобга олиб, қатор тадбирларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бироқ, бу ишлар ҳали етарли эмас. “Мустаҳкам оила йили”да мазкур йўналишда ҳам фаолиятимизни изчил давом эттиришимиз зарур. Бунинг учун жорий йилдаги режа-дастурларимизга кўра, банклар томонидан имтиёзли кредитлар берилишини таъминлаб, солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, тадбиркорларнинг лицензия олиш муаммосини бартараф этишга кўмаклашамиз.

Жорий йилда олдимизга қўйган вазифалар хусусида тўхталадиган бўлсак,

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, хунармандчилик асосида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, шу аснода аҳоли даромадларини кўпайтириб, оилалар фаровонлигига эришиш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хуллас, туманда мазкур соҳа дастури доирасида хизматлар ҳажми 42735,1 миллион сўмлик бўлиши режалаштирилган. Жумладан, жами 138 та лойиҳадан 25 таси савдо ва умумий оқватланиш нуктаси бўлса, 3 таси автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси, 16 таси сартарошхона, 12 таси пойафзал таъмирлаш устaxonаси, 1 таси меҳмонхона ва бошқа объектлар бўлиши режалаштирилган. Масалан, “Эшони судур” МФЙ ҳудудида НКМК томонидан намунавий лойиҳа асосида 1 та “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази”ни барпо этиб (ер майдони ажратилган), шунингдек, вилоят “Саёҳат ва экскурсиялар бюроси” ДК томонидан туристик хизматлар кўрсатиш филиалини ташкил этиш ҳам режага киритилган.

Бугунги кунда мазкур лойиҳаларнинг 115 тасига ер майдони ажратилиши ва кредит билан таъминланиши бўйича дастлабки ишлар амалга оширилмоқда. Хуллас, “Мустаҳкам оила йили”да туманимиз иқтисодийнинг юксалишига самарали ҳисса қўшадиган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солаёلمиз.

Бахтиёр БОБОНАЗАРОВ,
ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати



ЎЗМТДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Ўзбекистон халқини гўзал
баҳор айёми –*

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

билан табриклайди.

*Ушбу қувончли кунларда
ҳар бир оилага бахт-саодат,
ва фаровонлик тилаймиз!*



**ХАЗОРАСП ТУМАНИДАГИ “ОЗОДА НОН”
КИЧИК КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Баҳор байрами –

НАВРЎЗ

*барча юртдошларимизга
бахт ва омад келтирсин.*




“ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ” ХАБ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни яшариш ва
янгилашиш байрами —

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан қизгин табриклаймиз.

Бободехқонларимизнинг пахта хирмонлари
янада юксалсин. Рўзгорингиздан қут-барака,
тўкин-сочинлик аримасин!



НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ҚОРАҚАЛПОҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИЙ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Эзгулик, меҳр-саховат ва янгилашиш айёми бўлган —

Наврўзи олам

билан барча юртдошларимизни табриклайди.

**НАВРЎЗИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!**

НАВРЎЗ МУБОРАК!

● ТИББИЙ ХИЗМАТ

Натижаларимиз кўлами кенгаймоқда

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мухтарам Юртбошимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожини йўлида дастуриламал бўлмоқда.

Энг муҳими, қабул қилинган қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш бўйича юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Масалан, биргина бизнинг туманимизда бажарилган ишлар ва эришилган натижаларни бир-икки оғиз сўз билан ифодалаш қийин.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, йигирма йил мобайнида туман соғлиқни сақлаш тизимидаги шифо масканлари, уларнинг моддий-техник базаси, малакали мутахассислар тайёрлаш ва аҳолига давр талаби даражасида тиббий

хизмат кўрсатиш борасида қилинган ва қилинаётган ишларни ҳар қанча фахр ва қувонч билан эътироф этсак арзийди. Ўтган 2011 йилда туман бўйича соғлиқни сақлашга ажратилган маблағ 5386326,0 сўмни, доридармонга ажратилган маблағ 59336,0 сўмни ташкил этганлиги ҳам фикримизга яққол далил бўлади.

Туман тиббиёт бирлашмасининг асосий вазифаларидан бири — шифокор-мутахассислар билан таъминлаш ва улар малакасини оширишдан иборат. Ҳозир бирлашмада 210 нафар малакали шифокор, 1713 нафар ўрта тиббиёт ходими

меҳнат қилаяпти. Бу 10 минг аҳолига 16,6 шифокор, 135,9 ўрта тиббиёт ходими хизмат қиляпти, деган маънони англатади.

Туманда 33 та қишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли марказий поликлиника, сил касалликлари диспансери ва марказий шифохона аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шошлинч тез тиббий ёрдам бўлими 75 минг АҚШ доллари микдоридagi Япония гранти ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан босқичма-босқич умумамалиёт шифокорларини тайёрлаш мақсадида 1998 йил 6 нафар, 1999 йилда 5 нафар, 2000 йилда 6 нафар, 2001-2002 йилларда 23 нафар шифокор Самарқанд ва Бухоро тиббиёт олийгоҳларида қайта тайёрланди. 3 нафар шифокоримиз Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари, яна 3 нафар шифокоримиз эса АҚШга бориб малака ошириб келди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастурига асосан туманда яқка тартибдаги врачлик фаолиятини кучайтириш, нодавлат хусусий сектор-

ларни ривожлантириш ишлари ҳам давом эттириляпти. Ҳозирги кунда “Марварид”, “Гавҳарой”, “Хуршид”, “Шифо”, “Азиз Баҳром”, “Хаёт-Нур” каби яқка тартибдаги врачлик фаолияти билан шугулланувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт бирлашмасида “Маънавият хонаси” фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, маънавият ва маърифат ишларига жамоатчилик асосида масъул шахслар бириктирилиб, улар томонидан доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси яратилаётган бундай шароит ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, худудимиз аҳолисининг олқишини олмоқда. Шу ўринда Баҳром Ҳамроев, Дилбар Ақромова каби етакчи шифокорларимиз “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланганини фахр билан айтиб ўтишимиз мумкин.

Умуман олганда, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида эришаётган ижобий натижаларимиз кўлами йилдан-йилга кенгайиб борапти.

Эркин ЎРИНОВ,
Кизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ”
ОАЖ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ
жамоаси



Миллий байрамимиз

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий табриклайди.

Ушбу қувончли кунларда ҳар бир
хонадонга бахт-саодат,
тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

РЕКЛАМА● **ТАРҒИБОТ****Президент асари
ўрганилмоқда**

Мустақилликнинг ўтган йигирма йиллик даврида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишини таъминлаб, тараққиёт йўлини белгилаб берди. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли — ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш орқали мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни янгилаш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш мақсадида қилинган бир қатор амалий тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ана шу давр мобайнида миллат сифатида ўзимизни кашф этдик, тафаккуримизни тикладик, ўзлимизни ангадик. Дунё давлатлари орасида ўз ўрнимизни топдик. Мамлакатимиз Президент Ислоом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли асарида "Мустақиллик" деган тотли неъматни қанчалар машаққат билан қўлга киритганлигимиз, бугунги юрт тинчлиги ва осойишталиги ўз-ўзидан бўлмаганлиги тарихий далиллар асосида мукамал акс эттирилган. Мазкур асарнинг чоп этилиши жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, бу китоб мустақиллигимиз тарихи тўғрисидаги энг ишончли ва ноёб манба бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, Президентимизнинг ушбу асари бизга истиқлолга эришиш йўлида ҳар бир жабҳада амал-

га оширилган кенг кўламли ислохотлар аҳамиятини англаш имконини беради. Ҳар бир юртдошимизни шу тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, уни қадрлашга даъват этади.

ЎзМТДП Булоқбоши туман Кенгаши, "Қамолот" ЁИХ, "Майарик", "Булоқбоши" қишлоқ фуқаролар йиғини ва "Нефтьпром" шаҳарчаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганиш бўйича тадбир ўтказдик. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Бундай учрашувларни бежиз ёшлар иштирокида ўтказмаямиз. Зеро, муҳтарам Юртдошимизнинг мазкур асари ёш авлод қалбида ватанпарварлик, фидойилик, Она-Ватанга меҳр, садоқат каби туйғуларни шакллантиришда алоҳида

аҳамият касб этади. Улар мустақиллик йўлида Президентимиз раҳнамолигида қанчадан-қанча саъй-ҳаракатлар қилинганлигини англашлари керак. Асарда ёшларимиз ўқиб ўрганишлари ва билишлари зарур бўлган кўпдан-кўп тарихий воқеалар тилга олинган. Юртдошимизнинг жасорати, қатъияти туфайли мамлакатимиз, халқимиз гоёта машаққатли бу йўлни мардона босиб ўтишга эришди. Мамлакатимиз раҳбарининг биргина 1989 йилда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши жараёнидаги ташаббус ва таклифлари, узоқни кўлаб, босиқлик ва вазминлик билан юритган оқилona сиёсатларини чин маънода фидойилик, ватанпарварлик деб аташ мумкин. Китобда мустақилликка эришиш жараёнида бошимиздан кечирган кўплаб тарихий воқеа ва манбалар бор. Тадбирда ёшлар билан, асосан, ана шулар ҳақида фикрлашдик. Бундай йўналишдаги тадбирларни тез-тез ўтказиб туришни режалаштирганмиз.

Мазкур китоб ёшларнинг истиқлол тарихи ҳақидаги билим ва тушунчаларини янада бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдурахмон ИСОҚОВ,
ЎзМТДПдан сайланган
Халқ депутатлари Андижон
вилоят Кенгаши депутати

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ
САҚЛАШ ВАЗИРАЛИГИГА ҚАРАШЛИ ОНКОЛОГИЯ
ДИСПАНСЕРИ ЖАМОАСИ***Юртдошларимизни***Наврўз***билан қутлаб, уларга мустаҳкам
соғлиқ, тинчлик, хотиржамлик тилайди.***ХОНАДОНИНГИЗДАН
БАХТ ВА ҚУВОНЧ
АРИМАСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!****УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ****ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ
ЖАМОАСИ***Бутун Ўзбекистон халқини
яшариш ва янгилашни байрами —***НАВРЎЗ АЙЁМИ***билан табриклайди.**Юртимизда Наврўз
шодиёналари бошланиб,
баҳорий кайфият ҳукм сураётган
ушбу шукуҳли кунларда
Сиз, азизларга бахт ва омад,
соғлиқ-омонлик, дилингиздаги
барча эзгу ниятларингиз
ижобат бўлишини тилаймиз.***БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

РЕКЛАМА ЎРНИДА


ПОП ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИ

*Бутун Ўзбекистон халқини,
устоз ва мураббийларни
миллий байрамимиз —*

НаВрўзи олам

билан самимий қутлайди.

**Она табиатнинг уйғониш,
яшариш, яшнатиш айёми
юртимизга хайрли
келсин!**




**Барча юртдошларимизга мустаҳкам
соғлик, хонадонларига қут-барака
тилаймиз. Мустақил Ватанимиз равнақи йўлида
олиб бораётган фидокорона меҳнатларида
улкан зафарлар ёр бўлсин.**

РЕКЛАМА● **ЖАРАЁН****Ислохотлар самараси**

КИШЛОҚЛАРИМИЗ КИЁФАСИДА

Ўзбекистонимиз йилдан-йилга обод бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ҳатто олис қишлоқларимиз ҳам газлаштирилди, тоза ичимлик суви билан таъминланди, врачлик пунктлари, замонавий мактаб, коллеж, спорт мажмуаси, текис ва раvon йўллар барпо этилди. Бундай бунёдкорлик ишлари ва ислохотлар замирида фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиш каби эзгу мақсадга давлат миқёсда аҳамият берилганлигини кўриш мумкин.



эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида ёшларимизни фойдали меҳнатга жалб қилиш имкони туғилади. Бу эса фарзандларимизнинг бўш вақтини яхши ташкил этиш ва маълум бир касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади.

“Янги иш ўринларини

яқин ишчи ўринлари яратилди. Уларнинг 193 нафарини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида ёшларимизни фойдали меҳнатга жалб қилиш имкони туғилади. Бу эса фарзандларимизнинг бўш вақтини яхши ташкил этиш ва маълум бир касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнги йилларда муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлаш, юртдошларимизга муносиб турмуш тарзи ва шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий кўринишдаги уйлар, ижтимоий масканлар барпо этиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги мавзеларда турар жойлар билан бирга таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар учун спорт майдончалари, савдо, маданий, маиший иншоотлар барпо этилмоқда.

яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” дастури бўйича сайлов округи ҳудудида жойлашган қорхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, учрашувлар, тадбирлар ўтказиб борамиз. Шу билан бирга инқирозга қарши кураш чора-тадбирлари бўйича “Қирқеп”, “Намуна” ҚФЙларида 470 га

ри ўрнатиш ниятидамыз. Ана шундай йўл билан оилавий бизнесни ривожлантириш имкони туғилади. Коллеж битирувчиларидан ўндан ошиқ ёшларга ўз бизнесларини ривожлантириш ва ташкил этишлари учун банклардан кредит олишга ёрдам бердик. Сўнги йилларда муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва

раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлаш, юртдошларимизга муносиб турмуш тарзи ва шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий кўринишдаги уйлар, ижтимоий масканлар барпо этиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги мавзеларда турар жойлар билан бирга таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар учун спорт майдончалари, савдо, маданий, маиший иншоотлар барпо этилмоқда. Кенг, раvon йўллар қурилиб, аҳоли учун кўпдан-кўп қулайликлар яратилаяпти. Утган йили туманимизда 60 га яқин оила ана шундай янги, замонавий уйларга кўчиб ўтди. “Мустаҳкам оила йили” да бу кўрсаткич шубҳасиз, янада кўпаяди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик бизга бугунги тинч, осуда ва дориломон кунларни ҳада қилди. Бунга жавобан биз фидокорона меҳнат қилишимиз, ҳар жабҳада ўрнатилган бўлишимиз лозим. Бундай хайрли ишларни депутат сифатида эмас, шу юрт, шу Ватан фуқароси сифатида амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмыз. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, партиядошларимизни, газетамиз ўқувчиларини

Зафар КАРИМОВ,
ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
“ТУРОН БАНК” НАВОИЙ
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ****Ўзбекистон халқини, меҳмонларини
ҳамда мижозларини****Наврўз****байрами билан чин дилдан
муборакбод этади.****Юртимиз тинч, мамлакатимиз
тараққиёти бардавом бўлсин!****Барча юртдошларимизни умумхалқ шодиёнаси —****ЖАВРЎЗ****байрами билан табриклаймиз.**

**Баҳорнинг таровати, табиатнинг
уйғониши, атрофимизнинг гуллаб-яшнаши
сизу бизга гўзаллик завқу шавқини,
эзгулик саодатини бахш этсин!**

БАЙРАМ МУБОРАК!**“ЎЗБЕКИСТОН ҲОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ ЮРИДИК” МЧЖ ЖАМОАСИ**

Оила мустаҳкамлиги

МАЪНАВИЙ МЕЗОНЛАР БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Анъанага қўра, юртимизда ҳар бир янги йил ўзига хос ном билан аталади. 2011 мамлакатимиз тарихига “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” сифатида кирган ва халқимиз ҳаётида ўзининг мазмун-моҳияти, қўламини жиҳатдан бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган воқеалар, юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи ислохотлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг давомийлиги билан ёдимизда қолган бўлса, жорий 2012 йил давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинди. Зеро, оиланинг мустаҳкамлиги, унда соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги баркамол авлод тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Жисмонан ва маънан соғлом ёшлар эса жамият тараққиётининг асосини ташкил этади. Эркин ва демократик жамият қуриш йўлида одимлаётган мамлакатимизда оилани янада мустаҳкамлаш, унинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.



модел: “Соғлом она — соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Бу халқаро анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари қатори қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида танилган машҳур олимлар, халқаро экспертлар иштирок этишди. Бундай нуфузли халқаро симпозиумнинг Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Бу, аввало, ўзига хос эътироф. Чунки юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида эришилаётган ютуқларга жуда кўп давлатлар ҳавас билан қарашмоқда. Оналик ва болаликка эътибор, аввало, оилага эътибордир. Буни бугун кўплаб халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этишмоқда. Дунё миқёсида ўз ўрни, обрў ва эътиборга эга бўлган “Save the children” (Болаларни асрайлик) Халқаро ташкилоти оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда катта ғамхўрлик кўрсатиш борасида Ўзбекистонни 10 та кучли мамлакат қаторига қўшди.

Президентимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асариди: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покизи туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади” деб ёзганлар. Ушбу пурмаъно сўзларда халқимизнинг оилага бўлган меҳр-муҳаббати, ўлмас урф-одат ва анъаналари ўз ифодасини топган. Боиси меҳнатсевар, жонқуяр ва болажон халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ сифатида қадрлайди. Унинг мустаҳкамлиги, тинч-тотувлиги ва осудалигини таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қилади. Президентимиз томонидан 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб аталиши бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим восита ролини ўтайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида юртимизда оилага бўлган эътибор ва ғамхўрлик янги босқичга кўтарилди. Энг муҳими, оиланинг жамиятдаги ўрни ва масъулияти янада ортиди. Оилани ижтимоий аҳамиятга молик институт сифатида такомиллаштириш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби тўла-тўқис оилага, унинг муносабатларига қаратилган. Унинг 63, 64, 65 ва 66-моддаларида оила жамиятнинг муҳим негизи экани, ота-оналар вояга етмаган фарзандларини тарбиялаш ва боқошга мажбурлиги, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзанд ўз ота-онаси ҳақида қайғуриши ва ғамхўрлик қилишга мажбурлиги, оналик ва болалик давлат ҳимоясида эканлиги каби қатор меъёрлар аниқ ва равшан белгилаб қўйилган.

1998 йилда амалга киритилган “Оила кодекси” 238 моддадан иборат. Унда оила, никоҳ, никоҳга кирувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, қариндош уруғлар, болалар, васийлик, ҳомийлик ва улар ўртасидаги қатор муносабатлар эътибордан четда қолмаган.

Оилада таълим ва тарбия тизими тўғри йўлга қўйилган бўлса, бола онги ва қалбида маърифат куртаклари намоён бўла бошлайди. Бу нафақат шу оила, балки жамият фаровонлигига ҳам ўз ихобий таъсирини кўрсатади. Зеро, жорий «Мустаҳкам оила йили» давлат Дастури ва мақсад-муддаолирида ҳам юксак маънавиятли, ахлоқ-одобли, ор-номусли ва андишали, меҳр-оқибатли, эркин, масъулиятли инсонларни тарбиялашга кўмаклашиш гоёси илгари сурилган.

Глобаллашув жараёнида аҳборот технологияларининг кескин ривожланиши натижасида бир таъқнинг икки учи бўлганидек, мамлакатимизга четдан турли хил ёт гоё ва мафқуралар кириб келаяпти. Бизни ва фарзандларимизни ана шундай ёт гоё ва мафқуралардан сақлайдиган энг катта қўرғон ва ишончли ҳимоя бу — оила ва оилавий тарбиядир.

Соғлом оилани шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири оналик ва болалик муҳофазасини таъминлашдир. Эътиборлиси юртимизда она-бола саломатлиги муҳофазаси йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бугун жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда 20 йил ичида эркакларнинг ўртача яшаши 67, аёлларники 75 ёшга кўтарилди. Оналар ва болалар ўлими 3 баробарга камайди.

Ўтган йили ноябрь ойида Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий

Биродар ЮСУПОВ, “Андеталл ҳамкор” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбари, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати

РЕКЛАМА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАН ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ

Мамлакатимиз аҳлини эзгулик тантанаси мужассам айём —

Наврўз шодиёнаси

билан муборакбод этади.

Наврўзи олам юртимизга тинчлик, дастурхонимизга тўкин-сочинлик, ҳар бир хонадонга осойишталик, бахт-саодат олиб келсин!

БАЙРАМ МУБОРАК!

Юртимиз аҳли ва меҳмонларини нафосат, мурувват ҳамда саховат рамзи —

НАВРЎЗ

байрами билан самимий қутлайди.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт, омад тилаб қоламиз.

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ



“ULUG’BEK-TOLA” MAS’UPLIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI JAMOASI

барча юртдошларимизни


Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Ўзбекистон халқига, бободехқону миришкорларга чин дилдан энг яхши тилаклар, мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

АЙЁМ МУБОРАК!

РЕКЛАМА



**ХОРАЗМ ВИПОЯТИ ШОВОТ ТУМАНИДАГИ
“ШОВОТ БЎЯНИ” АГРОФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

*Барча юрtdошларимизга яшариш ва
янгилашиш байрами*

НАВРЎЗИ ОЛАМ

муборак бўлсин!



*Давлатимиз, халқимизга беминнат
хизмат қилиб, ижтимоий-иқтисодий
барқарорлигимизни сақлаш ишига
бажонидил ҳисса қўшаётган барча
ватандошларимизни*

НАВРЎЗ

*байрами билан
қизгин табриклаймиз.*

Кўнглингиздан меҳр ва соғинч туйғулари аримасин.

Бахт, шодлик ва омад тарк этмасин.

**“СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ” ХУДУДИЙ
АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ**

НАВОИЙ ШАҲАР 2-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ АҲИЛ ЖАМОАСИ

*Яшариш ва
янгилашиш байрами*

Наврўз айёми



*билан барча ўзбекистонликларни ва
шу юртда аҳил-иноқ яшаётган
турли миллат вакилларини
қизгин муборакбод этамиз.*



ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ВА ОБОДЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

РЕКЛАМА




ЎЗМТДН ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Мамлакатимиз аҳлини
эзгуликлар тантанаси
мужассам айём —

НАВРЎЗ

ШОДИЁНАСИ

билан муборакбод этади.



ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ "МУҚИМНІЙ ФАЙЗ"
ЧОРВА ВА НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни
ғўзаллик ва нафосат айёми —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлайди.

Меҳнатсевар халқимизнинг хирмонлари юксалаверсин.
Оилавий тотувлик, бахт ва омад сизу бизни тарқ этмасин!

БАЙРАМ МУБОРАК!



ОПЛАНГИЗ ҲАМИША ТИНЧ,
ЮРТИМИЗ ОБОД БЎЛСИН!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
КЕНГАШИ ЯПОНИА БУЎРОҚМАЧЛИК ХИЗМАТИ
"ПНЯВШЕРИНИҒ КОМПАНИЯСИ" ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини, барча миллат
вакилларини баҳор ва янгиликнинг байрами —

Наврўзи олам

билан табриклайди.



Ҳамisha тинчлик,
осойишталикни, юрт
ободлигини
тилаймиз!

МУСТАҚИЛ ДИЁРИМИЗ ГҲ.ЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОР ТУМАНИДАГИ
"ХАРИДОР БАРАКА" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни борлиқини суларга бурқалани,
юртимизга қуш-барака, олам-олам қувонч ва шодлик олиб
келган баҳор айёми билан қутлайди.

Наврўз

шуқурди сизларни йил бўйи парк этмасин!



КИНО ҲАФТАЛИГИ

Пойтахтда замонавий япон фильмлари

Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда замонавий япон фильмлари кунлари намойиш этилмоқда.

Япониянинг юртимиздаги элчихонаси, Япония фонди ва "Ўзбекино" миллий агентлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси кўмагида ташкил этилаётган кино кунларида икки мамлакатнинг таниқли режиссёр ва сценарий усталари, кино иҳлосмандлар иштирок этмоқда.
Замонавий япон фильмлари кунларининг очилиш маросимида Япониянинг юртимиздаги Фавку-

лодда ва муҳор элчиси Ёсихиса Курода, "Ўзбекино" миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқовлар сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасидаги иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда юксак ютуқларга эришилганлигини таъкидлашди. Хусусан, юртимиз кино усталарининг ижодий ишлари Японияда, қардош ушбу халқнинг режиссёр ва сценарий усталари томонидан яра-

тилган фильмлар Ўзбекистонда намойиш этилаётгани қувонарлидир.
Лойиҳанинг мақсади замонавий япон киносининг сержирра ва ранг-баранглигини намойиш этишдан иборат. Кунчиқар мамлакатда оилавий муносабатлар, турмуш тарзи ва бугунги кун ҳақида ҳикоя қилувчи 5 та фильм тадбир дастурига киритилган. Булар чуқур драматик картиналар бўлиб, халқаро кинофестивалларда қатор мукофотларга сазовор бўлган. Ҳафталикда "Гибикус меҳмонхонаси", "Онамаг энг қисқа мактуб", "2-мактаб" ҳамда "Дора Хейта" кинофильмлари намойиш этилмоқда.
Азима ҚИЁСОВА

ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимиз аҳолисини
меҳр-мурувват ва
эзгулик айёми —
**НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ
БАЙРАМИ**
билан табриклайди.

**Юртимиз тинч, турмушимиз
янада фаровон, осмонимиз
ҳамиша мусаффо бўлсин!
Наврўзи олам муборак,
азиз юртдошлар!**

**ДИЛЛАРИНГИЗНИ БАЙРАМ
ШОДИЁНАЛАРИ ТАРК ЭТМАСИН!**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МЕХНАТ САОДАТИ

Мақсадимиз — юрт равнақига ҳисса қўшиш

- **ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ “МУҚИМИЙ ФАЙЗ” ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИГИ РАХБАРИ БАХТИЁР ТОШТЕМИРОВ**

Давлатимиз мустақилликка эришгач, нафақат кишиларнинг онги, тафаккури, балки иқтисодий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлаётгани сир эмас. Муҳтарам Президентимизнинг “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги 1998 йил 18 мартдаги Фармони мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада тараққий топишига, ривожланишига олиб келди. Шунингдек, фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Энг муҳими, юртимиз қишлоқларида турмуш шароитининг юқори савияда яхшиланиши натижасида мулк эгалари сони кўпайди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлигига эътибор биринчи даражага кўтарилди.



Буни бошқа соҳа вакиллари каби фермерларимиз ҳам яхши англаб, давлатимиз томонидан билдирилган ишонч ва кўрсатилаётган гамхўрликни юксак кадрлаб, қишлоқ хўжалиги инфраструктурасини янада ривожлантириш мақсадида тинимсиз изланмоқда, имкон топмоқда ва злу юртининг раҳматини олиб, Ватан олдидаги бурчларини адо этишмоқда.

Ана шундай эзгу ниятлар билан меҳнат қилаётган фермерларимиздан бири Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Муқимий файз» фермер хўжалигидир. Асосан чорва ва наслчилик билан шугулланадиган мазкур хўжалик 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, унга иш кўзини биладиган, тадбиркор Бахтиёр ака Тоштемиров раҳбарлик қилади. Ҳозирги кунда 469 бош наслдор қорамол парвариш қилинмоқда. Шундан 120 боши соғин сигир бўлиб, ҳар бир сигирдан йилига ўртача 3200 литрдан сут соғиб олинаёпти.

— 2011 йил якуни бўйича 150 бош наслдор бузоқ олдик, — дейди Бахтиёр ака. — Шундан 100 бошини вилоятимиздаги чорвачилик ва фермер хўжаликларига етказиб бердик. Бундан ташқари, аҳоли ҳам 10-15 тадан бузоқларимиздан олишади. Умумий еримиз 137,5 гектарни ташкил қилса, шундан 98 гектарига тур-

ли ўт, хашақлар экилади. Қолган еримизда галла, пахта етиштирамиз. Ҳар йили режалар ортиги билан уддаланади. Ҳосилдорлик ҳам ошиб бормоқда. Йил якунига кўра фермер хўжалигимизда сут ишлаб чиқариш 103 фоиз, гўшт етиштириш 115 фоизга бажарилди. Рентабеллик даражаси 32 фоизни ташкил этди. Жами 859 миллион сўм даромад қилган бўлсак, шундан 164 миллион сўми соф фойда ҳисобланади. Фойдамиздан 60 миллион сўмдан ортиги турли хайрия ишларига, болалар спортини ривожлантиришга, ногирон ва кам таъминланган оилаларга, ишчи-хизматчиларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга сарфланди.

Мазкур фермер хўжалигида ишчи-хизматчилар сони 70 нафардан ортиқ бўлиб, асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Улар иссиқ оват, кийим бош билан таъминланган. “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан бу ерда хизмат қилаётган оилалар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бахтиёр ака бу йил коллеж битирувчилардан 5-6 нафарига иш бериш ниятида. Техникани деҳқоннинг қаноти, дейишади. Шу сабаб ҳайдовдан тортиб, ғалла, ўт ўрайдиган техникага чор.

Бахтиёр ака уддабурон, меҳнатқашлиги билан эмас, қўли очиклиги туфайли ҳам ҳамқишлоқларининг меҳ-

рини қозонган. Қишлоғидаги мактабни, болалар боғчасини таъмирлашга, йўлларни асфальтлашга, ногиронларни қўллаб-қувватлашга, аҳоли учун тоза ичимлик суви муаммосини ҳал этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келади. Кам таъминланган иккита хонадонга соғин сигир ҳада қилгани, ёрдамга муҳтожларга кўмак бераётгани унинг қанчалик саҳийлиги ва қўли очиклигидан далолатдир. Б.Тоштемировни ЎЗМТДПдан ҳам туман, ҳам вилоят Кенгашига депутат бўлиб сайланганлиги ҳам унинг халқ орасида ҳурмат ва эътибор топаётганидан далолатдир.

Бугун юртимизда ишлайман, тадбиркорлик, фермерлик қиламан, деганлар учун барча шарт-шароит яратилган. Улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Юртбошимизнинг олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли юртимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан тобора ривожланиб бормоқда. Биз ҳам ана шундай хайрли ишларга ўз меҳнатимиз, ютуқларимиз, фидойилигимиз билан улшш кўшмоғимиз лозим. Юрт тинчлиги — олий саодат, дея эътироф этилаётган Ўзбекистонда яшашнинг ўзи катта бахт. Ана шу бахтимизга кўз тегмасин.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

*Ушбу қувончли кунлар халқимизга хуш кайфият,
битмас-туганмас қувонч бағишласин.
Мустаҳкам оила йилида сизларга
мустаҳкам соғлиқ, омад ёр бўлсин.*

*Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо,
дастурхонимиз
тўкин-сочин бўлсин!*

**“PAPPEN” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ШАКЛИДАГИ ХОРИЖИЙ КОРХОНА ЖАМОАСИ**



РЕКЛАМА ЎРНИДА



"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ ЖАМОАСИ

*Ўз акциядорлари ҳамда барча
юртдошларимизни қадимий ва
миллий байрамимиз —*

Наврўзи олам

билан самимий қутлайди.

Барча эзгу-тилаклар сиз учун!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

РЕКЛАМА

● 2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ хусусий мулкчилик асослари яратилиб, кичик бизнесга катта эътибор қаратила бошланган эди. Президентимиз ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги муҳим қадам бўлди. Чунки бу билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган микромолиявий ташкилот мамлакатимизда иш бошлади.

“МИКРОКРЕДИТБАНК”: оила фаровонлиги — тараққиёт пойдевори



борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганидан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур Фармон соҳани ривожлантириш учун катта имтиёз ва қўлайликлар яратди. Мана шу Фармон асосида банк устав капитални 72 миллиард сўмга қўпайтирилди ва 150 миллиард сўмга етказилди.

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкнинг бугунгача босиб ўтган қисқа йўлига назар ташлар экансиз, мамлакатимизда эл фаровонлиги, барқарорлигини таъмин этиш йўлида эътиборга сазовор ишларни амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган банк маҳаллалар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Олис қишлоқларда яшаётган хонадонларга қариб борди ва уларнинг имкониятларини ўрганди. Муҳими, эҳтиёжманд бўлган ҳар бир оилга турмуш шароитини яхшилаш, оддийгина бўлса ҳам ўз тадбиркорлигини ташкил этиб, даромад манбаини яратишга қўмақлашди. Бунинг учун кичик ҳажмдаги, қўлай муддатларга мўлжалланган микрокредитлар ва бошлангич сармоёлар жорий қилинди.

кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Банк ташкил этилганидан буюн кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 824,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратди. Жумладан, 503 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатди. Мазкур сармоёларнинг асосий қисми аҳоли учун ҳаётий зарур бўлган товарлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Айниқса, чорвачилик, иссиқхоналар, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик, қандолатчилик сингари соҳалар билан шуғулланаётган миқозлар банкнинг кредитларидан самарали фойдаланмоқдалар. Бу сармоёлар эвазига республикаимизда 422 мингта янги иш ўрни яратилди.

ИМТИЁЗЛИ МИКРОСАРОМОЁЛАР — ДАРОМАД МАНБАИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёт учун берадиган самаралари бирмунча тез кўзга ташланади. Яратувчиликнинг ушбу соҳаси пайдо бўлган эҳтиёжларга қараб тез мослашиши, ўзгариши нўқтан назардан бозор конъюктураси учун бирмунча қўлай. Шунинг учун ҳам кичик бизнес давримизнинг яна ҳам қудратли яратувчи кучига айланиб бормоқда. Кичик бизнес тараққиётга мамлакатимизда берилаётган эътиборни банк фаолият бошлаганидан кейин орадан узоқ вақт ўтмасдан 2008 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш

Банк олиб борган барча саяё-ҳаракатлар микросармоёлар самарасини таъминлай оладиган ишбилармонларни топиш ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилди. Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган қўлайликлар, имтиёзлар тўғрисида жойларда олиб борилган учрашувлар, семинарлар мақсад-вазифаларни амалга оширишга имкон яратмоқда. Айниқса банк тадбиркорликни ривожлантириш борасида аҳолининг турли қатламлари билан мулоқотни йўлга қўйган. Бу ишда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўрта, махсус касб-хунар таълими маркази, “Маҳалла” жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб борилмоқда. Жойларда, айниқса, узоқ қишлоқларда тадбиркорлик борасидаги учрашувлар мана шу ташкилотларнинг вакиллари билан биргаликда ўтказилади. Бундай мулоқотлар ҳар доим микрокредитлар асосида яратилган маҳсулотлар кўрсатмаси билан бошланади. Учрашувга келган ёшлар, коллеж битирувчилари ўз ишларини йўлга қўйган тадбиркорлар билан бевосита учрашиб, уларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мунозама этишди. Бу сингари тадбиркорлик сабоқлари яратувчилар сафини янада кенгайтиришга имкон ҳозирламоқда. Муҳими, микрокредитлар аниқ соҳаларни молиялашга, аҳоли учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сафарбар этилмоқда. “Исматуллаев Арслонбек” хусусий

корхонасининг раҳбари Рашид Раҳмонов Қамашиди кум ва полимер ашёларидан черепаца ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Банк ажратган 29 миллион сўм сармоя билан корхона ишга тушиб кетди. Туман қишлоқларида кейинги йилларда қурилаётган замонавий уйлар тадбиркор ишлаб чиқараётган қурилиш ашёлари билан яна ҳам чирой оча бошлади. Қўллаб буюртмалар тушадиган бўлди. Айни кунларда корхона бир сменада 350 донагача черепаца ишлаб чиқармоқда. Тадбиркорнинг молиявий имкониятлари кенгайди. Корхонада эндиликда қўшимча линиялар ҳам ишга туша бошлади. Тез орада бу ерда шлакблочлар ва брусчаткалар ҳам ишлаб чиқарилади.

Баҳмал тумани тоғлари этагидаги қишлоқда истикомат қиладиган Равшан ака Тоштемиров ўз корхонасининг номини бевосита қишлоғи ва тайёрлаётган маҳсулотининг номи билан “Новқа қизил эгарлари” деб атади. “Микрокредитбанк” дан олган 3 миллион 700 минг сўм эвазига ўғли Воҳиджон билан қўпқарида чопиладиган отларнинг кўрки ҳисобланган рангли эгарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундай эгарлар республикаимизнинг тоғ этакларидаги ва водийдаги қишлоқларда гоёт қадрланади. Шу қишлоқда яшайдиган темирчи Уста Қайом ота Каримов ясайдиган рўзгор буюмлари ҳам туманда жуда машҳур. Чунки темирча ишлов бериш борасида устанинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ота икки ўғли — Хасан билан Эгамбердиға ўз хунарини ўргатиб, кичик корхона ташкил этди. Бундан ажратилган 1 миллион 800 минг сўм микросармоя уларнинг ишларини йўлга қўйишга кифоя қилди.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Тадбиркор аёллар ва ёшлар билан ҳамкорлик банкнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фаолиятидаги алоҳида муҳим йўналиш ҳисобланади. Айниқса, аёлларнинг фидокорлиги, меҳнатсеварлиги, хунари ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар йўлини очади. Шундай корхоналар борки, уларда аксарият аёллар меҳнат қилади. Жиззах вилоятининг тоғли ҳудуддаги янги туманида мўъжазгина фабрика иш бошлади. “Янгибод чеварлари” деб номланган бу корхонага туман касб-хунар коллежини тугаллаган 48 нафар қиз ишга тақлиф этилди.

Шунингдек, аёллар тадбиркорлигига йўналтирилган микромолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамғармаси ва “Аёллар кенгаши” Республика жамоат бирлашмаси билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Тадбиркорликни ихтиёр этган фуқаронинг қўлида бирор касби ёки хунари бўлиши керак. Қўллаб ёшларимиз коллежларда олган билимларини микросармоёлар ёрдами билан ҳаётга татиқ этмоқдалар. Коллежларнинг битирувчилари билан учрашувлар ўтказиш, семинарлар ташкил этиш, айниқса, билим юртлари битирувчилари ҳузурда тадбиркорлик сабоқлари олиб бориш банкнинг асосий аъналаридан бирига айланди. Семинарларимиз якунида коллежларнинг қўллаб битирувчиларига — ёш тадбиркорларнинг пухта ва синовдан ўтган лойиҳа-

ларига “Бошлангич сармоя” сертификатлари топширилмоқда.

Йиллар мобайнида давом этиб, аънавий тус олаётган “Қўли гулдир ўзбек аёли...”, “Ёш тадбиркор — юртга мададор” сингари кўрик-танловлар ана шу ҳамкорлик натижасидир.

Ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банк тадбиркор аёллар учун 26,1 миллиард сўм, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 21,7 миллиард сўм миқдорда микросармоёлар ажратди.

ОИЛАВИЙ ХИЗМАТЛАР МАЖМУАСИ

“Микрокредитбанк” ўзининг аҳоли учун тақлиф этаётган маҳсулотлари — яратаяётган замонавий хизматлари билан мамлакатимиздаги яратувчиликни, фаровонликни барқарор этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшимоқда. Банкнинг бундай хизматлари халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Жумладан, “Микрокредитбанк”га ижтимоий йўналишлардаги “MikroFinanzaRating” компанияси (Италия) халқаро қабул этилган “SBB” меъёрларига мувофиқ “Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк” деган ижтимоий рейтинг тақдим этди.

Бундай эътирофга республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микромолиялашга ва шу соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган “Микрокредитбанк” аввало маҳаллалар, олис қишлоқ ва овуллардаги барча оилаларгача кириб бора олгани билан эришди. Умуман, банк қўлга киритаётган ютуқларнинг муҳим омилларидан бири — унинг аҳолини турли қатламлари билан қўллаётган самарали ҳамкорлигидир. Банкнинг кичик ҳажмдаги, фоизлари нисбатан паст ҳамда қўлай муддатларга мўлжалланган микрокредитлари ҳар бир хонадон учун ишончли даромад манбаига айланмоқда. Шунинг учун ҳам банк фаолияти ижтимоий аҳамият касб эта олди.

Маълумки, 2012 йил Республикаимиз Президентини томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинди. Мазкур ташаббус банк зиммасига яна ҳам катта масъулият ва вазифалар юклатди. Амалга оширилаётган ишлар кўлами ва мазмун-моҳияти янада кенгайди.

Шу кунларда банк ўзининг “Оила фаровонлиги учун” деб номланган хизматлар пакети (мажмуаси)ни тақдим этмоқда. Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қўлайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илғор кишилар бўлиб ўлғайишларига қўмақлашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Банкнинг янги хизмат турларидан бири — “Келажақ учун интеллектуал сармоёлар” деб аталади. Ҳўш, бундай кредитлар кимларга аталган ва кимларга берилиши мумкин? Аввало шуни айтиш керакки, кредитнинг мазкур туридан шу пайтнинг ўзидеёқ фойда кутиш мумкин эмас. Чунки ушбу сармоя болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган. Кредит боланинг ота-онаси, яқин қариндошларига уларнинг олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик кўришилари, ўқув марказларида билим олишлари, чет тилларини ҳамда компьютер саводхонлигини ўрганишлари, спорт билан шуғулланиш ва касб-хунар ўрганишлари учун кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлашга берилади. Ушбу кредитлар энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорда, бир ярим йил муддатга мўлжалланган.

Қишлоқда истикомат қиладиган аҳоли учун томорқа ҳўжалиги муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Томорқа эгаларига иссиқхоналар ташкил этиш, ерга ишлов бериш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ҳам ана шундай сармоёлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Миллий хунарамандчилик халқимиз орасида ривожланиб, сайқал топиб келади. Бу сингари мураккаб ва нафис санъат, аксарият оилавий шароитда яратилади ва авлоддан-авлодга ўтади. Банк оилавий хунарамандчиликни ҳам ўзининг қўлай сармоёлари билан қўллаб-қувватламоқда.

Халқимизнинг удумларию тўй-тантаналари бисёр. Айниқса, ёшларнинг никоҳ тўйлари оилалар учун катта обрў-эътибор ҳисобланади. “Микрокредитбанк” бундай тўйлари ўтказиш учун ҳам кредитлар ажратмоқда.

Банк замонавий хизмат турлари билан маҳаллалардаги оилаларнинг барча эҳтиёжларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Шу кунларда аҳолига гоёт катта қўлайликлар яратаядиган қўёш батареялари учун кредитларни ташкил этиш устида иш олиб бормоқда. Серқўёш юртимизда бундай батареялардан фойдаланган ҳар бир хонадонда кечаю кундуз электр чироклари чарақлаб туриши, телевизор, компьютер ва бошқа кўпгина электр асбоблари узулқисиз ишлаши мумкин. Қўёш батареяларидан аҳоли пунктларида, узоқ йўللар — трассалар бўйидаги ёқилги қўйиш, хизмат кўрсатиш, умумий оқватланиш шаҳобчаларида бемалол фойдаланиш мумкин. Бундай хизматнинг нархи кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Дейлик, 10,5 миллион сўм миқдордаги кредит ҳисобига жиҳозланган қўёш батареяси хонадонни иситиш ва сувтишдан тортки электр қувватига бўлган барча эҳтиёжларни қондира олади. Оила учун текин электр қуввати яратиш берадиган республикаимизда ишлаб чиқарилган ушбу жиҳозлар хизмат кўрсатувчи корхона томонидан 15 йилга кафолатланади. Банкнинг бундай хизматлари қўллаб оилалар учун чинакам қўлайликлар ярата олади.

Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган оилалар фаровонлигини ва юртининг оёсайшталлигини таъминлайдиган асосий омилдир. “Микрокредитбанк” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш экан ўзининг катта имкон яратаядиган микрокредитлари билан ҳар бир хонадонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.

Дилфуза АВЛОКУЛОВА,
банк матбуот котиби

ФАРФОНА БИЛОЯТИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

Барча юртдошларимизни эзгулик ва меҳр-саховат рамзи —

Наврўз айёми

билан самимий табриклайди!

Мустаҳкам оила йилида оилавий бахт, тинчлик ва хотиржамлик сизларни тарқ этмасин.

НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК!

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Наврўзинг муборак, юртим!

Юртимизнинг барча вилоятлари, шаҳару қишлоқларида Наврўз умумхалқ байрами катта шодоналик билан нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Фафур Фулом, Бобур, Абдулла Қодирий, Мирзозулғабек номидаги маданият ва истироҳат боғларида байрам тадбирларини кўнгилдагидек ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари кўрилмоқда. Пойтахтда бўлиб ўтадиган Наврўз умумхалқ байрамида Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Исмоил Жалилов, Озодбек Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулсанам Мамазоитова, Ҳосила Раҳимова, Дилноза Исмиямина, Равшан Комилов, Лола Аҳмедова, “Айқулаш юлдузлари” халқ ашула ва рақс ансамбли (Қорақалпоғистон), “Чавқи”, “Бойсун”, “Оразибон”, “Гавҳар” фольклор-этнографик ва рақс ансамблилари ўз дастурлари билан иштирок этади.

Мухтасархон КАРИМОВА



РЕКЛАМА ЎРНИДА



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХАЗОРАСП ТУМАНИДАГИ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИНИНГ УСТОЗ-МУРАББИЙЛАРИ

*Барча юрtdошларимизни
меҳр ва саховат байрами —*

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлайди.

*Наврўз бошлаб бераётган янги
мавсум қутли-баракали бўлсин.*

*Ишларингизга муваффақият,
қалбларингизга қувонч
хамроҳ бўлсин!*

● КЎРГАЗМА

Экспозицияда буюк усталар аънанаси

Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида "Наврўз — 2012. Буюк усталар аънанаси" ўзбек амалий санъат усталарининг кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада бу йил ўзининг юбилейни нишонланаётган машҳур кулолчилик мактаблари, каштачилик ва гул босмалари, мусика асбоблари, ганчкор усталар, уларнинг шогирдлари, хунармандлар сулоласи вакилларининг ишларини кўриш мумкин. Ўзбекистон Бадий академияси залининг асосий катта девори (залга кирган киши биринчи бўлиб унга

этибор қаратади), шунингдек, Тошкентдаги кўпгина бинолар интерьерига безак беришда ганчкор уста Тошпўлат Арслонкулов шогирдларининг кўли гул эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласан киши. Экспозицияга шахрисабзлик машҳур кулол Абдукарим Ҳазраткулов, гурумсаройлик моҳир кулол Махсутали Туропов, хоразмлик уста Султон Отажонов, тошкентлик каштадўз Николай Нам, моҳир каштачи, портрет устаси Фазилат Саидалиева, сопол ўйинчоқлар устаси Илҳом Воҳиди, Риштон нақшли кулолчилик усталари аъналарининг давомчиси Музаффар Саи-

дов, шунингдек, ғиждувонлик усталарининг кўплаб буюмлари қўйилган.

Шуни айтиш керакки, кўргазмада намоиш этилаётган мазкур асарларнинг каттагина қисми Ўзбекистон музейлари тўпламларида узоқ йиллардан буюн сақлаб келинмоқда. Улар Европа, Осиё ҳамда Америкада ташкил қилинган нуфузли кўргазмаларда намоиш этилган. Муҳими, аввалги усталар аънанасини ҳозирги кунга келиб уларнинг фарзандлари, набиралари, эваралари ва кўплаб шогирдлари давом эттиришмоқда.

Вернисаж ўзбек кулолчиларининг Риштон, Ғиждувон, Хоразм ва бошқа бир қатор мактабларнинг айрим намуналарини ҳам ўз ичига олган. Кўргазма шу йилнинг 24 мартгача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ “КАТТАБЕК ҲАҚ” МЧЖ ЖАМОАСИ

*Шашфиқлар илди энг азиз ва қадрлиси
бахорини келишди.*

У қўлимизга илиқлик, қувонч, шодлик олиб келади.

*Ана шундай унутилмас кунларда меҳр-оқибат, эзгулик,
яшиланиш ва яшарни байрамининг нишонланишида ҳам ўзига
хос маъно муржаасам. Барганизни ана шу азиз байрамимиз
билан қизини қутлаймиз. Юртимиздаги тўқин-солтинлик,
тиндиллик ва осудаликка кўз тегмасин.*



**НАВРЎЗИ ОЛАМ
МУБОРАК БЎЛСИН!**



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛМАЛИ ЖАМОАСИ

*Барча ўзбекистонликларни ва юртимизга ташриф
буюрган муҳтарам меҳмонларни*

НАВРЎЗ

байрами билан қизгин табриклайди.

*Буюк келажак сари интилаётган
халқимизнинг истиқболи порлоқ бўлсин.*

БАЙРАМ МУБОРАК!



Хар бир кун учун ҳақ ва ҳақиқат ҳозир нарса.

Тенглик ҳукм сурган жойда соткин, алдамчи эҳтирослар, гам-гусса бўлмайди.

РИВОЯТ

Ҳотами Тойи ва бир гадонинг ҳиммати

Ҳотами Тойига бир кўнгли очик одам деди: — Эй, ҳимматда эркин табиат киши, сахийлик кафтинга одат бўлганидан буён ўзинга ўхшаган кишини ҳеч кўрдингми? У деди: — Бир кун мен ҳамма учун йигин қилдим. Унга ўша чўлдаги одамларнинг ҳаммасини чақирдим. Пишириш учун юзта туя курбон қилинди; сўйилган кўй-кўзиларнинг ҳам сон-саногини йўқ эди. Базм бўлиб турган вақтда бирпас ҳаво олгим келиб, дашт томонга чиқдим. Айланиб юриб, меҳнатда эзилган бир қари чолни кўрдим. У орқасига бир кучоқ тикон-ўтин ортган эди. Гавдасини юк эгиб, вужуд уйига ҳассадан устун тиркаган эди. Ҳар қадам ташлаганда, бирпас тўхтаб, ҳар дам олганда маълум бир фурсат ўтарди. У чекаётган азоб ўти кўнглимни ёндириб, раҳм-шафқат билан унга шундай хитоб қилдим: — Эй қаддини машаққат юки буккан, танасида гам тиканлари ўрнашган одам! Даштда юриб хабаринг бўлмади? Нега Ҳотамнинг уйига бормадинг. У ҳаммани ўзининг уйига чақириб, яхшию ёмонни бугун меҳмон қилмоқда-ку. Ўтинни ташла, иззат гулшанига бор, машаққат чекиб ўтирмай, тур, чакриққа бор! У менинг унинг аҳволдан изтироб чекканимни тушуниб, бош кўтариб қулдио, шундай жавоб берди: “Эй, оёғини очкўзлик банд этган, бўйинига ғараз ва қизғончилик сиртмоқ бойлаган, ғайрат водисиди қадам босмаган, ҳиммат қалъасига байроқ тикмаган одам, сен ҳам бу тикан ташиш азобини тортиб кўр. Ҳотами Тойи миннатини эса торта берма. Қўйналиб, машаққат билан бир танга топиш биров берган ҳазинадан яхшироқдир”. Унинг сўзлари шундай ўринли эдики, шунинг учун ҳам унинг ҳиммати меникидан ортик эди.

БИЛАСИЗМИ?

Америкада инглиз тилида гапирадиган ручка-компьютер кашф этилган. У махсус қоғоз билан бирга сотилади. Ақли ручка йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб, испан тилига ва ақсинча таржима-ни амалга ошириши, сўзларни талаффуз қилиши мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

Филлар куни

ТАИЛАНДА УМУМХАЛҚ БАЙРАМЛАРИДАН БИРИ — ФИЛЛАР КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ.

Маълумки, таиландликлар филни муқаддас жонзот деб билишади. Ҳатто мамлакат қиролининг ҳам бир нечта ноёб филлари бор. Улар орасида оқ фил ғоятда қадр-лидир. Шу боисданми, Таиланднинг бирор жойида туғилган оқ фил сўзсиз қироллик мулки ҳисобланади. Филлар кунига келсак, бу байрам ҳар йили мамлакат пойтахти Бангкокдан 80 километр шимолроқда жойлашган махсус майдонда ўтказилади. Байрам куни майдонда турли ёшдаги филларни кўриш мумкин. Филлар бошдан-оёқ байрамона кийфада ясантирилади. Сўнг, байрамнинг орзиқиб кутилган дамлари ҳам келади. Болалар аввалдан тайёрлаб қўйилган мевачевалар билан филларни сийлаб, уларга чин дилдан ёқимли иштаха тилайдилар.

Автомобиллар музейи

ЯНГИ БИНОГА КЎЧИБ ЎТГАН ЭНЦО ФЕРРАРИ МУЗЕЙИ КЕНГ ОММА ВА ПОЙГА ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН ЎЗ ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ.

Италиянинг Модена шаҳрида жойлашган музей конструкцияси металл ва шишадан ишланган. Музей лойиҳаси таникли архитектор Ян Каплицкига тегишли бўлиб, ўлимидан анча аввал 2009 йилдаёқ яратилган эди. Энцо Феррари 22 ёшида пойга автомобилини сотиб олиш мақсадида болалиги ўтган уйни сотишга мажбур бўлади. Бирок, анча машҳур бўлиб кетгандан сўнг Энцо бир неча бор уйни қайтариб олишга ҳаракат қилган. Мана бугун ана шу уй ўрнида автомобиллар музейи барпо этилди. Музейнинг илк кўргазмасига 21 та: “феррари”, “мазерати”, “альфа-ромео” ва “фиат” пойга автомобиллари қўйилган. Улар орасида ўтган асп бошида яратилган ўта қадимий автомобиллар ҳам бор.

Бир кишилик шаҳарча

ВАЙОМИНГ ШТАТИ (АҚШ)ДАГИ БУФОРД ШАҲАРЧАСИ КИМОШДИ САВДОСИГА ҚЎЙИЛГАН.

Гап шундаки, Буфорд шаҳарчасида яшовчи ягона инсон, шаҳарча мэри Дон Сэммонс турар-жойини ўзгартирмоқчи. Шу йилнинг 5 апрелида кимошди савдосига қўйилиши кутулаётган шаҳарчанинг бошланғич баҳоси 100 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган. XIX аср охирида асос солинган шаҳарча Шайен ва Ларами шаҳри оралиғида жойлашган. Бир пайтлар шаҳарчада Трансконтинентал темир йўл қурувчилари истикомат қилган экан. Бирок, қурилиш ишларининг географияси кенгайича, қурувчилар бу ердан оммавий равишда кўчиб кетишган. Сэммонс эса шаҳарчада 30 йилдан буён яқка ўзи истикомат қилиб келади. Шаҳарчадаги ҳамма нарса: 10 акрикл ер, ёқилғи қуйиш шаҳобчаси, дўкон, уяли алоқа минораси, почта бўлими, автомобиль тўхташ жойи, бешта турар-жой ва мактаб биноси унга тегишли. Энг қизиги, шаҳарчани сотиб олган инсон буларнинг барига эга чиқади.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

“НОҲИМУРОД-МАДИНА БАРАКА” МЧЖ дорихонасига (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 14-мавзе, 13-уй, 3-хонадон) 31.05.2010 йилда берилган №7533-сонли лицензия йўқолганлиги боис **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

РЕКЛАМА

ALEYAFORM

хусусий корхонаси жамоаси

Эзгулик ва баҳор байрами билан барча юртдошларимизни табриклайди!

Наврўзи олам барчамизга тинчлик-тотувлик, тўқинлик, қут-барака олиб келсин!

Биз иссиқ ва совуққа ўта чидамли плиткалар, брусчаткалар, бордёрлар ва декорацияланган фасадли плиткалар ишлаб чиқарамиз. Сизнинг бунёдкорлик ишларингизда яқиндан кўмакчимиз. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларини бепул ўргатамиз. Шунингдек, бетон маҳсулотларини ўрнатадиган усталаримиз ҳам бор.



Мурожаат учун телефонлар: 409-01-02, 721-01-02, 489-01-02, 716-01-02

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ “КАМИЛЛА” МЕҲМОНХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни ва меҳмонларни энг эзгу ва қадимий байрамимиз —

Наврўз

билан чин дилдан табриклайди.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ БИЛАН!



“ТАШАББУС” КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЖИЗЗАХ ВИПОЯТ БОСҚИЧИ ГОЛИБИ — “ЧАҚМОҚ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Она заминимизга ўзининг бутун бўй-бастини, кўркини кўрсатиб кириб келган қутлуғ айём —

Наврўз байрами

барчангизга муборак бўлсин! Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака тилаймиз. Барча эзгу ниятларимиз сизлар учун.



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Ғафурҷон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 8 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Бюроғи — Г 319, Адади — 11569
Газетанинг баҳоси келишилган нархда
Набатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Набатчи: Эргаш ХУЖАЕВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliy@arkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.